

АКЦИЗ СОЛИҒИ СОЛИҒИ ТУШУНЧАСИ КА УНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ докторанти ДТПИ ўқитувчиси

Тел: +998902467655

АННОТАЦИЯ: Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида акциз солиғини тўловчилар, акциз солиғи объекти, акциз солиғини ҳисоблаш тартиби ва янги намунадаги акциз маркалари моҳияти ва намуналари ёритилган бўлиб акциз солиғи ҳисоблашда фўйдаланиш мумкин.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Акциз, солиқ, солиқ тўловчилар, объект, акциз маркалари, солиқ стакаси, солиқ карзи, давлат бюджети, товар, маҳсулот, импорт, экспорт

Акциз – лотинча “accidere” сўзидан олинган бўлиб кесиш деган маънони англатади. Адабиётларда ушбу солиқ тури асосан ҳашамат товарлари шунингдек инсон саломатлиги ҳамда атроф муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўлланилиши белгиланган.

Қуйидагилар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан айирбошлаш учун бериш:

- товарга бўлган мулк ҳуқуқини бериш;
- гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш;
- акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;
- акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобидан бериш;

– акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш.

Акциз солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва солиқнинг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Импорт қилинган, акциз тўланадиган, ўзига нисбатан аралаш адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган товарлар бўйича солиқ солиқ базаси ва адвалор ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) сўммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси амалдаги солиқ кодексининг 285 моддасида белгиланган тартибда аниқланади.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, агар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Четдан олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз

тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Олиб кирилатган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

-моддагв асосан алкоголь маҳсулотларига доир солиқ ставкалари қуйидагича:

-жадвал

Алкоголь маҳсулотларининг солиқ ставкалари¹

Т/р	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари (1 литр учун)		
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган	
			2024 йил 1 январдан	2024 йил 1 июлдан
	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиральдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси		14 900 сўм	
	Арок, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари (акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун, бундан 3 ва 4-бандлар мустасно)	101 500 сўм	38 000 сўм	40 000 сўм
	Вино:			
	табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	28 500 сўм	1 сўм	

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон <https://lex.uz/docs/6718864>

	бошқа винолар, шу жумладан вермут	40 600 сўм	2 200 сўм	2 310 сўм
	Пиво	50%, бироқ сўмдан кам бўлмаган	1 550 сўм	1 628 сўм

-жадвал

Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари²

Т/р	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари	
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган
	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	325 000 сўм/1 000 дона + 10 фоиз	250 700 сўм/1 000 дона + 10 фоиз
	Сигара	6 400 сўм/1 дона	
	Чилим учун тамаки	382 000 сўм/кг*	
	Чекиладиган, ўрама тамаки	382 000 сўм/кг	
	Чайналадиган, ҳидланадиган ва шимиладиган тамаки	382 000 сўм/кг	
	Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	382 000 сўм/кг	
	Никотинли тамакисиз снюс	154 000 сўм/кг	
	Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картрижларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)**	670 сўм/мл	

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон <https://lex.uz/docs/6718864>

Амалдаги солиқ кодексининг 289-моддасигу кўра нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга учун солиқ ставкалари³

-жадвал

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкалари	
		2024 йил 1 январдан	2024 йил 1 апрелдан
	Нефть маҳсулотлари:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	303 000 сўм/тонна	340 000 сўм/тонна
	АИ-91 ва ундан юқори бензин	303 000 сўм/тонна	
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	242 000 сўм/тонна	271 000 сўм/тонна
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	сўм/тонна	326 000 сўм/тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	262 000 сўм/тонна	293 000 сўм/тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	412 000 сўм/тонна	461 000 сўм/тонна
	Полиэтилен гранулалар		
	Табиий газ, бундан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган газ мустасно		
	Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 565 000 сўм	1 литр учун 476 сўм/1 тонна учун 633 000 сўм

³ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 28.12.2023 йилдаги ўРҚ-891-сон <https://lex.uz/docs/6718864>

АИ-91 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 565 000 сўм	
дизель ёқилғиси	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 516 000 сўм	1 литр учун 476 сўм/1 тонна учун 578 000 сўм
суюлтирилган газ	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 807 500 сўм	1 литр учун 476 сўм/1 тонна учун 904 000 сўм
сиқилган газ	1 куб метр учун 605 сўм	1 куб метр учун 678 сўм
Мобиль алоқа хизматлари		
Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи кўшимчаларсиз оқ шакар		
Таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган, газланган ҳамда истеъмол қадоғига қадоқланган ичимликлар (бундан энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар мустасно)		1 литр учун 500 сўм
Энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар		1 литр учун 2 000 сўм

Акциз солигини ҳисоблаш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

1.Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларга:

а) Тайёр маҳсулот бирлигига аксиз солигининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича (вино, шампан виноси, пиво, вино маҳсулотлари ҳамда тамаки маҳсулотлари) бўйича **аксиз солиғи сўммаси қуйидагича аниқланади:**

$$A_c = T_{\text{нх}} \times C_c,$$

бу ерда:

A_c – аксиз солиғи сўммаси;

$T_{нх}$ – тегишли ўлчов бирлигида сотилган маҳсулотнинг натура кўрсаткичларидаги ҳажми;

C_c – аксиз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлиги сўмларда.

б) Бошқа аксиз тўланадиган маҳсулотлар бойича аксиз солиғи сўммаси қуйидагича аниқланади:

$$A_c = T_{ск} \times C_c,$$

бу ерда:

A_c – аксиз солиғи сўммаси;

$T_{ск}$ – ўз ичига аксиз ва қўшилган қиймат солиғини олмаган товарларнинг сотиш қиймати;

C_c – аксиз солиғи ставкаси.

2. Ўзбекистонга импорт қилинадиган товарларга:

Импорт қилинаётган аксиз тўланадиган товарлар ҳисоб-китоби учун аксиз солиғи қатъий ставкаларда бўлса (1) формула, аксиз солиғининг ставкалари фоизларда бўлса қуйидагича ҳисобланади:

$$A_c = T_{бк} \times C_c,$$

бу ерда:

$T_{бк}$ – божхона қонунчилигига мувофиқ товарнинг аниқланган божхона қиймати;

Аксиз солиғи амалдаги солиқ кодексининг 291-модда кўра бир ой солиқ даври ҳисобланади. 292-модда асосан аксиз солиғини ҳисоботини жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади. Ушбу солиқларни солиқ қўмитаси томонидан солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджет тизимига ўтказиши солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, ушлаб қолиниши ва ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиши ва ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг амалдаги Солиқ Кодексининг 88-моддасида назарда тутилган даъво муддати мобайнида бут сақланишини таъминлаши лозим

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)

2. А.Ҳ.Тошқулов, С.К.Худойкулов. Солиқ назарияси. Дарслик. Тошкент 2021 йил-290 бет